

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАЕВ БОТИР УМИРЗОҚОВИЧ

**ОЧИҚ БУРЧАКЛИ ГЛАУКОМАНИ ЛАЗЕР УСУЛЛАРИ БИЛАН
ДАВОЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Тўхтаев Ботир Умирзоқович

Очиқ бурчакли глаукомани лазер усуллари билан даволашнинг қиёсий таҳлиллари

Тўхтаев Ботир Умирзоқович

Сравнительный анализ результатов лазерного лечения открытоугольной глаукомы.....

Tokhtaev Botir Umirzakovich

Comparative analysis of methods for treating open-angle glaucoma with laser methods.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТЎХТАЕВ БОТИР УМИРЗОҚОВИЧ

**ОЧИҚ БУРЧАКЛИ ГЛАУКОМАНИ ЛАЗЕР УСУЛЛАРИ БИЛАН
ДАВОЛАШНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛЛАРИ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Tib2239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Амин Абдуазизович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухаммадеев Тимур Рафаэльевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Набиев Абдували Мирзалиевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети
(Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент ш., Учтепа тумани, Кичик халка йўли, 14-уй. Тел./факс: (+99871) 217-49-34; (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунини тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)..

А.Ф. Юсупов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Джамалова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра тобора ривожланиб, глобаллашаётган жамиятимизда глаукома касаллигининг этиопатогенези ҳақида янги маълумотларни излаш бутун дунё мамлакатлари аҳолиси орасида кекса ёшлилар ўлими ортиб бораётганлиги сабабли бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланган. Қатор олимлар томонидан олинган натижалар асосида «...глаукома касаллиги кўрликка олиб келувчи касалликлардан бири бўлиб 76 миллион инсон ушбу касалликдан азият чекмоқда...»¹. 2030 йилга бориб дунёда глаукома касаллиги билан оғриган беморлар сони 110 миллиондан ортиши кутилмоқда. Аҳолининг қаришини глобал ва миллий аҳамиятга эга бўлган тиббий-ижтимоий муаммо сифатида ўрганишимиз замонавий тиббиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли БОБГ ни ўрганиш ва касалликни даволаш кун тартибидаги энг долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда бугунги кунда БОБГ да кўз ичи босимини нормаллаштириш, глаукомани жарроҳлик амалиёти бугунги кунда даволашнинг энг самарали усулларида биридир, аммо замонавий кам жароҳатли операциялар ҳам асоратларсиз эмас. Бундан ташқари, операциядан кейинги даврда асосий ва умумий эътироф этилган сабабларидан бири бўлган жарроҳлик амалиёти ўтказилган жойнинг ҳаддан ташқари чандиқланиши туфайли кўз ичи босими қайтадан ошиши мумкин. Операциядан кейинги даврнинг бу каби хусусиятлари БОБГ билан оғриган беморлар учун хосдир. Аммо, БОБГ да кўз ичи босими ортиши аниқланган ҳар бешинчи беморда кўриш функцияларининг пасайиши давом этмоқда, бу унинг даражасига боғлиқ бўлмаган бошқа патогенетик механизмларнинг иштирокини тасдиқлайди. Булардан ташқари, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бирламчи очик бурчакли глаукомада кўриш қобилятининг прогрессив пасайиши ва бунинг натижасида кекса беморларнинг умумий жисмоний ва функционал фаоллигининг пасайиши сезиларли даражада кучаяди. Бу эса уларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш қобилятини маълум даражада чеклайди.

Мамлакатимизда йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янги шароитларга мослаштирилган бирламчи глаукомани аниқлаш тизимини яратиш (кўп жиҳатдан – қайта тиклаш) бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Глаукома касаллиги билан оғриган беморни диспансер кузатувининг асосий жиҳатлари - мақсадга эришиш учун адекват терапияни танлаш, даволашнинг бошқа усуллари (консерватив, лазер, жарроҳлик) кўрсатмаларни ўз вақтида аниқлаш, умумий саломатликни яхшилаш (тўғри овқатланиш, турмуш тарзи), бугунги кунда муҳим муаммолардан биридир. Бирламчи глаукома бир қатор соматик касалликлар билан бирга келади ҳамда (гипертензия, қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари ва бошқалар) кечишига таъсир қилади.

¹ БЖССТ Кўрлик ва кўришнинг бузулиши ҳақидаги маълумотлари // 10-август, 2023 (<https://www.who.int/ru/news-room/factsheets/detail/blindness-and-visual-impairment>)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилиш тиббий ёрдамни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида катаракт ва глаукома каби касалликларнинг ёшариши алоҳида ўрганилиши зарур бўлган жараён дир. Бугунги кунда дунё аҳолиси орасида бундай касалликлар билан касалланган 30-35 ёшли беморларни учратишимиз мумкин (World Health Organization, 2021). Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра Америка Қўшма Штатларида 2011 йилда 2,71 миллион киши кўз касалликлари билан оғриган, ушбу беморларнинг ёш оралиғи асосан 70 - 79 ёшни (31%) ташкил қилади. Америка Офтальмология Академияси ҳисоб-китобларига кўра 2050 йилга келиб Қўшма Штатларда 7,32 миллион киши кўз касаллигига чалиниши мумкин (US Eye Disease Statistics. 2019). Осиё давлатларидаги демографик ўзгаришлар туфайли офтальмологик хизматига муҳтож бўлганлар сони 2010 йилдаги 437 миллионни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2030 йилга келиб 827 миллионгача ортиши мумкин (Zheng Y. et al. 2023).

Илмий адабиётларда глаукома касаллигини даволашда микроимпульсли лазерли трабекулопластика амалиёти кам энергияли лазер трабекулопластика техникаси ҳисобланади. МЛТ амалиёти ёрдамида олиб борилган амалиётларнинг ижобий натижалари ва хавфсизлиги ҳақида бир қанча муаллифлар ўзларининг олиб борган тадқиқотларида баён қилишган (С. Cambini 2022). Бугунги кунда жаррохлик амалиётидан сўнгги даво натижасининг барқарорлиги ва узоқ муддатли самарали кўрсаткичларга олиб келувчи даво усулини ишлаб чиқиш долзарб муаммо бўлиб келмоқда. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг деярли барча давлатларида, кўриш органи патологияси туфайли бирламчи ногиронлик кўрсаткичлари камайиши билан бир қаторда сезиларли даражада ошган ҳам. Шунинг таъкидлаш керакки, кўриш органи касалликлари туфайли бирламчи ногиронликка олиб келадиган барча сабаблар орасида жараённинг оғирлиги ва оқибатлари нуқтаи назаридан глаукома касаллиги алоҳида ўринга эга. Касаллик кўпинча 40 ёшдан кейин пайдо бўлади ва унинг частотаси ёшга

қараб ўсиб боради (Нестеров А. П. Глаукома). Марказий Осиёда ушбу патологиянинг тарқалиши ҳудудлар бўйича фарқланади. Қозоғистон Республикаси ҳудудида глаукоманинг тарқалиши муаммосининг долзарблиги умумий касалланишнинг барқарор ўсиши билан боғлиқ. 2014-2018 йилларда аниқланган маълумотларга кўра 18-59 ёш ва 60 ёшдан ошган гуруҳларда умумий ўсиш суръати мос равишда 16,9% ва 33,7% ни ташкил этди (Ахмедьянова З. У. ва бошқалар 2020).

Ўзбекистонда бирламчи очик бурчакли глаукомани ташхислаш ва лазерлар ёрдамида даволашнинг самарадорлигига бағишланган бир катор илмий тадқиқотлар олиб борилган: очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластиканинг турли усуллари самарадорлигини баҳолаш (Юсупов А.Ф. 2002 й., Юсупов А.А. 2023 й., Файзиева У.С. 2004 й., Джамалова Ш.А., Умарова Н.О., 2024 й.); ёпиқ бурчакли глаукомани мониторинги ва дигностиканинг клиник ва иммунобиокимёвий асосланиши (Набиев А.М., 2007); Ўзбекистон аҳолисида бирламчи ёпиқ бурчакли глаукомада кўз ички блокда патогенетик даволашни танлашнинг асосланиши (Фазиева У.С., 2013); очик бурчакли глаукома турларининг клиник функционал асослари ва уларни даволашда дифференциал ёндашув (Каримов У.Р., 2018); бирламчи глаукомада тиббий ёрдамни ташкил этиш ва унинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш (Гуйчибпева Д.М., 2022). Аммо турли очик бурчакли глаукомада тулғин узунлиги лазер амалиёти натижаларини киёсий баҳолаш ўтказилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб ушбу юқорида келтирилган муаммоларни ҳал қилиш, соғлиқни сақлашнинг асосий вазифаларидан бири бўлган глаукома билан касалланган беморларда даволаш самарадорлигини оширишга ва ногиронликнинг олдини олишга ёрдам беради. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб глаукома касаллигининг даволаш тамойилларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №012000260 “Юқумли ва юқумли бўлмаган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган инсон организми касалликларининг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича илғор технологияларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бирламчи очик бурчакли глаукома билан оғриган беморларда 532 нм, 577 нм ва 810 нм тўлқин узунлигига эга лазерлар ёрдамида бажарилган трабекулопластика амалиётининг даволаш самарадорлигини таққослаш орқали оптимал даволаш усуллари такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари.

Тўлқин узунлиги – 532 nm бўлган лазерлар ёрдамида бажарилган трабекулопластика амалиётларининг клиник самарадорлиги ўрганиш ва натижаларни баҳолаш;

810, 577 nm бўлган лазерлар ёрдамида олиб борилган микроимпульсли лазерли трабекулопластика амалиётининг қиёсий таҳлини ўтказиш ва клиник самарадорлигини баҳолаш;

Лазерли трабекулопластика амалиётига беморларни танлашнинг индикаторлар қайта кўриб чиқиш асосида янгиланган танлов алгоритмини шакллантириш;

Бирламчи очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластика амалиётининг энг юқори самарали клиник мезонларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий - амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида бирламчи очик бурчакли глаукома билан касалланган ва лазерли трабекулопластика амалиёти ўтказилган жами 155 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўрув майдонининг ҳолати, кўз ичи босими, кўриш нерви дискидаги экскавация даражаси, пигментация даражасига боғлиқ ўзгаришларни ўрганиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, инструментал (ОКТ, Визиометрия) ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадқиқот доирасида СЛТ жаррохликдан кейин узок муддатли кузатув даврида энг юқори клиник самарадорлиги бирламчи очик бурчакли глаукомада олдинги камера бурчагида III ва IV пигментация даражасида булиши асослашган;

бирламчи очик бурчакли глаукомада олдинги камера бурчагида I ва II пигментация даражасида 577 nm микроимпульсли трабекулопластика ва олдинги камера бурчагини III ва IV пигментация даражасида 810 nm лазерни қўллашнинг клиник функционал мезонлари аниқланган;

трабекулопластика амалиётини ўтказиш учун беморларни ажратиш индикаторлари қайта кўриб чиқилди ва клиник-диагностик мезонлар асосида танлов алгоритми таклиф этилди, бу эса беморларга индивидуал ёндашувни асосланган;

бирламчи очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластиканинг самарали клиник мезонлари олдинги камера бурчагини пигментация даражасига таяниб, ишлаб чиқилган ва уларни амалиётга жорий этиш имкониятлари илмий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

очик бурчакли глаукомани лазерли усулда даволаш бўйича клиник тавсиялар ишлаб чиқилди, 532 нм тўлқин узунлигидаги лазер ёрдамида ўтказилган трабекулопластика амалиётининг самарадорлиги асосланган алгоритм амалиётга тадбиқ қилинган;

тўлқин узунлигидаги 810 nm ва 577 nm лазер билан амалга оширилган микроимпульсли лазерлар трабекулопластика натижалари қиёсий баҳоланди ва турли лазер параметрлари билан боғлиқ ҳолда глаукомада пигментация даражасига қараб танлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

белгиланган мезонлар ва ишлаб чиқилган даволаш алгоритми БОБГ билан оғриган беморларни даволашга индивидуал ёндашиш ишлаб чиқилган биринчи марта учта лазерли жарроҳлик усулини таққослаш орқали микроимпульсли лазерли трабекулопластика самарадорлиги кўрсатилди ва бу орқали даволаш таъсирини баҳолашнинг янгича ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган офтальмологик инструментал ва статистик тадқиқот усуллари асосида глаукома аниқланган беморларда ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлашнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, илмий хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти касаллик клиникаси ва инструментал текшириш хулосалари асосида ётган умумийлик даражаси ва хусусиятларини баҳолаш, тизимини баҳолаш орқали табақалаштирилган даволаш ва ушбу касалликларнинг олдини олиш усулларини такомиллаштириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бирламчи очик бурчакли глаукома аниқланган беморларда уч хил лазерли жарроҳлик усулларини қўллаш ёрдамида даволаш дифференциал усулларини ишлаб чиқиш, касаллик авж олишини назорат қилиш, касалхонада даволаниш кунларини қисқартириш ҳамда эрта ногиронлик юзага келиш хавфини камайтириш ва аҳоли саломатлигини сақлашга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Очик бурчакли глаукома билан оғриган беморларни даволаш, юзага келиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш ва даволаш чора - тадбирларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 24 ноябрдаги 09/22-сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: тадқиқот доирасида СЛТ жарроҳликидан кейин узок муддатли кузатув даврида энг юқори клиник самарадорлиги бирламчи очик бурчакли глаукомада олдинги камера бурчагида III ва IV пигментация даражасида булиши асослашган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар “Лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) ва “Микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Жорий этилиши: амалий соғлиқни

сақлаш тизимига, шу жумладан РИКМИАТМ Жиззах филиалига (2024-йил 7 ийиндаги 47 У сонли буйруқ) ва РИКМИАТМ Қашқадарё филиалига (2024-йил 10 ийиндаги 36 У сонли буйруқ) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* глаукома касаллигининг III ва IV пигментация даражасига бўлган беморларда тўлқин узунлиги 532 nm лазер ёрдамида бажарилгин трабекулопластиканинг узоқ муддатли самарадорлиги тасдиқланди. Мазкур усулдан амалиётда кенг фойдаланиш орқали соғлиқни сақлаш тизими харажатларини қисқартириш, қайта-қайта жарроҳлик амалиётларининг камайтириш ва офтальмологик хизмат сифатини ошириш мумкин бўлади, ўз навбатида аҳолининг меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади. *Иқтисодий самарадорлиги:* тўлқин узунлиги 532 nm лазер ёрдамида бажарилган трабекулопластиканинг глаукоманинг III ва IV пигментация даражасида юқори самарадорлиги муолажани қайта амалга оширишни камайтиради. *Хулоса:* ушбу усулнинг узоқ муддатли самараси туфайли консерватив усулда даволанишга эҳтиёжни камайтиради, натижада беморларнинг харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Ногиронликнинг камайиши меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини оширади, натижа меҳнат бозори ва иқтисодиётга ижобий таъсир этади.

иккинчи илмий янгилик: бирламчи очик бурчакли глаукомада олдинги камера бурчагида I ва II пигментация даражасида 577 nm микроимпульсли трабекулопластика ва олдинги камера бурчагини III ва IV пигментация даражасида 810 nm лазерни қўллашнинг клиник фуқционал мезонлари аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар “Лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) ва “Микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан РИКМИАТМ Жиззах филиалига (2024-йил 7 ийиндаги 47 У сонли буйруқ) ва РИКМИАТМ Қашқадарё филиалига (2024-йил 10 ийиндаги 36 У сонли буйруқ) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* очик бурчакли глаукоманинг пигментация даражаларига қараб лазер турларини танлаш (577 nm ва 810 nm) микроимпульсли трабекулопластикада офтальмология амалиётида индивидуал ёндашувни жорий этиш имкониятини яратди, натижада ҳар бир бемор учун юқори самарали муолажа турини танлаш имконини беради, бу ҳолат даволаш натижаларининг самарадорлигини оширди. *Иқтисодий самарадорлиги:* глаукома касаллигининг пигментация даражасига қараб микроимпульсли трабекулопластикада тўлқин узунлиги фарқли бўлган (I–II даражада 577 nm, III–IV даражада 810 nm) лазер турларини мақсадли қўллаш орқали муолажа самарадорлиги оширади ва қайта аралашув эҳтиёжи камаяди. *Хулоса:* ушбу

натижа тиббиёт муассасалари учун харажатларни оптималлаштиришга, тиббий ресурсларни мақсадли тақсимлашга ва даволаш харажатларини қисқартиришга имкон беради.

учинчи илмий янгилик: трабекулопластика амалиётини ўтказиш учун беморларни ажратиш индикаторлари қайта кўриб чиқилди ва клиник-диагностик мезонлар асосида танлов алгоритми таклиф этилди, бу эса беморларга индивидуал ёндашувни асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар “Лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) ва “Микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан РИКМИАТМ Жиззах филиалига (2024-йил 7 июндаги 47 У сонли буйруқ) ва РИКМИАТМ Қашқадарё филиалига (2024-йил 10 июндаги 36 У сонли буйруқ) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* глаукома касаллигини даволашда трабекулопластика амалиётини амалга ошириш учун беморларни танлаш индикаторларининг қайта шакиллантириш ва клиника диагностик мезонлар замида танлов усуллари таклиф этилиши тиббиёт амалиётида индивидуал ёндашувларни таъминлаш имкониятини юзага келтиради. Шахсийлаштирилган тиббий ёндошувни жорий этилиши замонавий тиббиётнинг асосий вазифаларидан биридир, унинг жорий қилиниши тиббий хизмат сифати ва аҳолининг ишончини янада оширади. *Иқтисодий самарадорлиги:* глаукома билан оғриган беморларга нисбатан индивидуал ёндашув орқали улар учун зарур ва самарали муолажалар тавсия этилади, натижада дори-дармон, диагностика ва диспансер кузатув харажатларини камайтиради. *Хулоса:* ижобий муолажа натижасида беморнинг меҳнат қобилияти қайта тикланади ва ижтимоий нафақа ва реабилитация харажатлари сезиларли даражада камаяди.

тўртинчи илмий янгилик: бирламчи очик бурчакли глаукомани даволашда лазерли трабекулопластиканинг самарали клиник мезонлари олдинги камера бурчагини пигментация даражасига таяниб, ишлаб чиқилган ва уларни амалиётга жорий этиш имкониятлари илмий асосланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар “Лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) ва “Микроимпульсли транссклерал циклофотокоагуляция жарроҳлик амалиётининг клиник самарадорлиги” (Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги эксперт кенгашининг 2024-йил 29-майдаги №10 сон баённомаси билан тасдиқланган) номланган методик тавсиялар таркибига киритилган. Жорий этилиши: амалий соғлиқни сақлаш тизимига,

шу жумладан РИКМИАТМ Жиззах филиалига (2024-йил 7 ийиндаги 47 У сонли буйрук) ва РИКМИАТМ Қашқадарё филиалига (2024-йил 10 ийиндаги 36 У сонли буйрук) билан амалиётга жорий этилди. *Ижтимоий самарадорлиги:* очик бурчакли глаукома касаллигини даволашда лазерли трабекулопластика учун натижадор клиник мезонларнинг ишлаб чиқилиши ва уларнинг клиник амалиётга жорий этишнинг илмий асосланиши офтальмологик амалиётда далилларга асосланган ва шахсийлаштирилган ёндашувларни таъминлайди. Ушбу мезонлар замида беморларга натижадор муолажалар белгиланади, бу эса муолажа самарадорлигини яхшилади, натижада кераксиз амалиётлар сони камаяди. *Иқтисодий самарадорлиги:* трабекулопластика амалиётга тавсия этилиши натижасида тиббий харажатлари камаяди. *Хулоса:* даволаш самарадорлигининг яхшиланиши орқали беморлар меҳнатга лаёқатлилигини сақланади, ногиронлик даражаси камаяди, натижада давлат бюджетига бўладиган ижтимоий нафақалар, реабилитация харажатларини камайтириш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 1 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсад ва вазифалари баён этилган, объекти ва предмети тавсифланган, диссертация ишини Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Очик бурчакли глаукомани лазер усуллари билан даволаш ҳақида замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. БОБГ ни ўрганиш ва касалликни даволаш долзарб муаммолардан биридир. Тобора ривожланиб бораётган ҳозирги жамиятимизда глаукома касаллигининг этиопатогенези ҳақида янги маълумотларни излаш бутун дунё мамлакатлари аҳолиси орасида кекса

ёшлилар ўлими ортиб бораётганлиги сабабли долзарб муаммолардан бирига айланган. Статистик маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб дунёда глаукома касаллиги билан оғриган беморлар сони 210 миллиондан ортиши кутилмоқда.

Олиб борилган кўпгина илмий ишлар этник гуруҳлар ва географик ҳудудларда глаукоманинг тарқалиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Масалан, Осиё ҳудудида аҳолининг тез қариши туфайли кам даромадли мамлакатларда бирламчи очик бурчакли глаукома билан касалланишнинг кўпайиши қайд этилади. Марказий Осиёда ушбу патологиянинг тарқалиши ҳудудлар бўйича фарқланади. Қозоғистон Республикаси ҳудудида глаукоманинг тарқалиши муаммосининг долзарблиги умумий касалланишнинг барқарор ўсиши билан боғлиқ. 2014-2018 йилларда аниқланган маълумотларга кўра 18-59 ёш ва 60 ёшдан ошган гуруҳларда умумий ўсиш суръати мос равишда 16,9% ва 33,7% ни ташкил этди. Беларусь Республикасида бирламчи ногиронликка олиб келувчи сабаблар ичида глаукоманинг улуши 34,4% ни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасида йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда янги шароитларга мослаштирилган бирламчи глаукомани аниқлаш тизимини яратиш (кўп жиҳатдан – қайта тиклаш) бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Глаукома касаллиги билан оғриган беморлар диспансер кузатувининг асосий жиҳатлари - мақсадга эришиш учун адекват терапияни танлаш, даволашнинг бошқа усуллари (консерватив, лазер, жарроҳлик) кўрсатмаларни ўз вақтида аниқлаш, умумий саломатликни яхшилаш (тўғри овқатланиш, турмуш тарзи), бугунги кунда долзарб муаммолардан биридир. Бирламчи глаукома бир қатор соматик касалликлар билан бирга келади ҳамда (гипертензия, қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари ва бошқалар) кечишига таъсир қилади.

Ташхислаш, замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиниб, шунингдек мазкур муаммони илмий жиҳатдан ҳал этилишини муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган. Юқоридаги ҳолатлар глаукома касаллиги муаммосининг долзарблигини кўрсатади ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўрганишга ундайди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Очик бурчакли глаукомани лазер усуллари билан даволаш материаллари ва усулларини”** деб номланган. Мазкур тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий - амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида олиб борилди. Ушбу тадқиқот ишлари 2021 - 2023 йиллар оралиғида амалга оширилди. Илмий тадқиқотимизга глаукома касаллиги билан оғриган 40 ёшдан 78 ёшгача бўлган 190 нафар беморлар жалб қилинди, шулардан 155 нафар беморларда лазерли жарроҳлик амалиёти ўтказилди (155 та кўзда), ушбу беморларнинг 86 нафари аёлларни (47,8 %), 104 нафари эса эркекларни ташкил (52,2 %) қилади. Барча 190 беморда (190 кўз) гониоскопия пайтида олд камера бурчаги очик ва ўртача кенгликда эди. Трабекуляр пигментация даражасига кўра беморлар 4 гуруҳга бўлинган: кучсиз (I) 55 нафар беморда; ўртача (II)



55 нафар беморда; яққол ифодаланган (III) 50 нафар беморда; кескин ифодаланган (IV) 35 нафар беморда. Ушбу беморлардан 60 нафари 1 – гуруҳ шакллантирилиб, лазерли трабекулопластика жарроҳлик усули ёрдамида (тўлқин узунлиги - 532 нм), 2-гуруҳга ҳам 55 нафар беморлар жалб қилиниб, микроимпульсли трабекулопластика жарроҳлик амалиёти билан (тўлқин узунлиги - 810 нм), 3-гуруҳга ҳам 40 нафар беморлар жалб қилиниб, микроимпульсли лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиёти (тўлқин узунлиги - 577 нм) ёрдамида даволанди ва назорат гуруҳига 35 нафар беморлар консерватив усулда даволанган беморлар киритилган. Олиб борилган ушбу тадқиқот усули боб БОБГ аниқланган беморларда комбинирланган даволаш усулининг самарадорлигини аниқлашга асосланган.

Диссертацияни учинчи “**Лазерли трабекулопластика амалиёти натижалари**” бобида учинчи асосий гуруҳга жалб қилинган 60 нафар беморларнинг клиник хусусиятлари келтирилган бўлиб, ушбу беморлар 532 nm лик лазер ёрдамида трабекулопластика жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, барча пигментация даражаларда асосий гуруҳдаги беморларда даволашдан сўнг кўрув майдони сезиларли даражада яхшиланган бўлса, назорат гуруҳида барқарорлик ёки аксинча, пасайиш кузатилган.

I даражада муолажадан олдинги кўрув майдони 52° бўлиб, 6 ойдан сўнг 54° гача ошган ва назорат гуруҳида фарқ кузатилмаган (1 расм). II даражада эса асосий гуруҳда 50°дан 60° гача ўсиш қайд этилган, бу эса назорат гуруҳидаги ўзгармас даражадан (51°) кескин фарқланади.





1-расм. Беморларда кўрув майдони (градус) даволаш муолажаларидан кейинги ҳолати

Ушбу натижалардан келиб чиқиб, яшил лазер ёрдамида амалга оширилган трабекулопластика амалиёти бирламчи очик бурчакли глаукомали беморларда кўрув майдонини яхшилашда самарали усул эканини тасдиқлайди. Айниқса, пигментация даражаси юқори беморларда муолажанинг ижобий таъсири яққол намоён бўлган.

Пигментация даражасига кўра I оғирлик даражаси аниқланган беморларда 532 нм ли лазер ёрдамида трабекулопластика жарроҳлик амалиётидан кейинги нерв дискиннинг экскавацияси ўлчами 3 – ой охирида 17 ва 6 – ой охирида 22.8 гача яхшиланиш кузатилади (P<0.05) натижадир. Назорат гуруҳида эса кузатув давомида кўрув майдони 20 ва 21 гача деярли ўзгариши кузатилди ва бу натижаларнинг эффективлиги камлигини билдиради (P>0.05).

Касалликнинг II даражасидаги беморларда I гуруҳда кузатувнинг 3-ойида 18 бўлса, 6-ойда эса 22.1 гача сезиларли яхшиланиш кузатилган (P<0.01). Назорат гуруҳида эса ўзгаришлар аҳамиятсиз бўлиб, 3-ойда 22.5 ва 6-ойда 24.2 гача ўзгарди.

III ва IV оғирлик даражасида жарроҳлик йўли билан даволашда (I гуруҳ) ҳар иккала даражада ҳам кўрув майдонида сезиларли яхшиланиш қайд этилган. Бу натижалар I ва II оғирлик даражасидаги беморларникига нисбатан ёмонроқ эди (P<0.01). Назорат гуруҳида эса бу ўзгаришлар аҳамиятсиз бўлган (P>0.05).

Ушбу турдаги лазерли амалиёт, айниқса, паст-ўрта пигментация даражасида кўрув майдонини яхшилашда самарадорлигини исботлаган, консерватив даволашда эса сезиларли ўзгаришлар қайд қилинмади.

Лазер ёрдамида олиб борилган трабекулопластика амалиётидан кейинги тонография маълумотлари

Пигментация даражаси	Гуруҳ	Дастлабки натижалар	Дастлабки ҳафтада	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин	p
I даража	I гуруҳ (n=15)	28 ± 2	25,0 ± 1	26 ± 1	26,8 ± 1	<0.05
	Назорат гуруҳи (n=10)	27 ± 2	25 ± 1	25 ± 2	26 ± 2	>0.05
II даража	I гуруҳ (n=20)	28,5 ± 2	25,8 ± 2	26 ± 2	26,1 ± 2	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=10)	26,5 ± 3	25,6 ± 2	24 ± 2	25,4 ± 2	>0.05
III даража	I гуруҳ (n=15)	29 ± 3	23 ± 2	22,5 ± 2	24,2 ± 2	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=10)	28 ± 3	26 ± 2	25 ± 2	26 ± 2	>0.05
IV даража	I гуруҳ (n=10)	30 ± 3	22,8 ± 1	24,3 ± 2	24 ± 2	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=5)	29 ± 2	27 ± 1	26 ± 2	27 ± 2	>0.05

Лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиёти бажарилгандан 6 ой ўтгач, касалликнинг III босқичида бўлган ва комбинацияланган антигипертензив терапия қўлланилаётган беморларда 4 % ҳолларда кўз ичи босимининг ошиши қайд этилди (1 жадвал). Ушбу беморлардаги кўз ичи босимини камайтириш ва касаллик кечишини барқарорлаштириш мақсадида икки нафар беморда қайтадан лазерли трабекулопластика жарроҳлик амалиёти бажарилди. Нопараметрик дисперсия таҳлил натижаларига кўра, уларнинг яхшиланишида статистик аҳамиятга эга тенденциялар ($P < 0.05$) кузатилди.

Касалликнинг пигментация даражаси I бўлган беморларда 532 нм ли лазер ёрдамида трабекулопластика жарроҳлик амалиётидан кейинги нерв дискининг экскавацияси ўлчами 0.6 ± 0.1 дан 0.58 ± 0.1 гача яхшилانган бўлиб, бу сезиларли ($P < 0.05$) натижадир (2 жадвал). Назорат гуруҳида эса кузатув давомида кўрув майдони 0.54 ± 1 дан 0.53 ± 0.1 dB гача деярли ўзгариши кузатилди ва бу натижаларнинг эффективлиги камлигини билдиради ($P > 0.05$).

**Оптик когорент томографияда кўрув нерви дискининг
эксковацияси ўлчами**

Пигментация даражаси	Гуруҳ	Муолажадан олдинги ҳолат	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин	р
I даража	I гуруҳ (n=15)	0.6 ± 0.1	0.58 ± 0.1	0.6 ± 0.1	<0.05
	Назорат гуруҳи (n=10)	0.55 ± 0.1	0.54 ± 0.1	0.53±0.1	>0.05
II даража	I гуруҳ (n=20)	0.7 ± 0.1	0.7 ± 0.1	0.69 ± 0.1	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=10)	0.65 ± 0.1	0.64 ± 0.1	0.63±0.1	>0.05
III даража	I гуруҳ (n=15)	0.8 ± 0.1	0.78 ± 0.1	0.8 ± 0.1	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=10)	0.75 ± 0.1	0.74 ± 0.1	0.73±0.1	>0.05
IV даража	I гуруҳ (n=10)	0.9 ± 0.1	0.89 ± 0.1	0.9 ± 0.1	<0.01
	Назорат гуруҳи (n=5)	0.85 ± 0.1	0.85 ± 0.1	0.84±0.1	>0.05

Касалликнинг II даражасидаги беморларда I гуруҳда кузатувнинг 3-ойида 0.7 dB бўлса, 6-ойида эса 0.69 гача сезиларли яхшиланиш кузатилган (P<0.01). Назорат гуруҳида эса ўзгаришлар аҳамиятсиз бўлиб, 3-ойида 0.74 ва 6-ойида 0.73 гача (P>0.05) ўзгарди.

III ва IV оғирлик даражасида жарроҳлик йўли билан даволашда (I гуруҳ) ҳар иккала даражада ҳам кўрув майдонида сезиларли яхшиланиш қайд этилган. Бу натижалар I ва II оғирлик даражасидаги беморларникига нисбатан ёмонроқ эди (P<0.01). Назорат гуруҳида эса бу ўзгаришлар аҳамиятсиз бўлган (P>0.05).

3 - жадвал

**Тўлқин узунлиги - 532 нм ли лазер ёрдамида олиб борилган
трабекулопластика амалиётидан кейинги максимал коррекцияланган
кўриш ўткирлиги**

Гуруҳ	Муолажадан олдинги ҳолат	3 ойдан кейин	6 ойдан кейин	р
I гуруҳ (532 nm)	0.6 ± 0.1	0.61 ± 0.1	0.6 ± 0.1	<0.05
Назорат гуруҳи	0.7 ± 0.1	0.65 ± 0.1	0.62 ± 0.1	>0.05

3-жадвалда 532 нм тўлқин узунлигидаги лазер ёрдамида трабекулопластика амалга оширилган I гуруҳ беморларида максимал коррекцияланган кўриш ўткирлигининг муолажадан олдин, 3 ой ва 6 ойдан кейинги ҳолати пигментация даражалари бўйича таққослаб берилган. Ушбу натижаларга кўра, юқори пигментация даражасига эга беморларда ҳам 532 нм тўлқин узунлигидаги лазер клиник фойда бераётгани кўринади. Назорат гуруҳларида эса кўриш ўткирлигида статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгариш кузатилмаган. Ушбу натижалар 532 нм яшил лазер орқали трабекулопластиканинг турли даражадаги пигментация шароитида ҳам самарали ва клиник аҳамиятга эга усул эканини тасдиқлайди.

Диссертациянинг “**Микропульсли трабекулопластика амалиёти натижалари**” деб номланган тўртинчи бобида барча беморларни турли даврларда қайта текширилганда бир хил ҳажмдаги текширишлар натижалари келтирилган.

4-жадвал

II ва III гуруҳ беморларида микроимпульсли трабекулопластика амалиётидан кейинги КИБ маълумотлари

